2009 йил 10 ноябрь, сешанба

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ | № 217 (11.528) | Баҳоси эркин нархда

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Тинчлик ва дўстлик гавҳари 2200 2009 Тошкент



### ФЕСТИВАЛГА ҚИЗҒИН ТАЙЁРГАРЛИК

**Тошкент шаҳар ўқувчилар ижодиёт марказида мактаб ўқувчиларининг бўш вақтини мазмунли ўтказиш, уларни турли тўгарак ва студияларга жалб этишга алоҳида аҳамият берилмоқда.**

Марказ қошидаги бадиий нафосат бўлимининг «Ғунча» рақс дастаси «Янги авлод-2009» болалар ижодиёти фестивалига тайёргарлик кўрмоқда. Бу дастада 50 нафардан ортиқ қизлар ўзбек ва жаҳон рақс санъат сирларини ўрганмоқда.

Айни вақтда марказда халқ амалий санъати ва рассомлик, бадиий-нафосат ҳамда ахборот-маърифий йўналишдаги тўгарак ва студиялар фаолият олиб бормоқда.

**СУРАТДА:** машғулотлардан лавҳа.

**Асқар Ёқубов (ЎзА) олган сурат**

Тошкент шаҳар Кенгаши сессияси

## АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАШ — УСТУВОР ВАЗИФА

**КЕЧА шаҳар ҳокими А. Тўхтаев раислигида Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг навбатдаги сессияси бўлиб ўтди. Сессияда депутатлар томонидан мамлакатимиз Президентининг жорий йилда қабул қилинган оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизимини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, соғлом ва маънавий баркамол авлодни тарбиялаш борасида амалга оширилаётган ишларни кучайтириш ва самарадорлигини оширишга йўналтирилган Қарорларининг Тошкент шаҳри бўйича ижроси кенг муҳокама қилинди.**

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилаётир ва ушбу саъй-ҳаракатлар негизида аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошириш масалалари амалда ўз тасдиғини топаётганининг гувоҳимиз. Ушбу йўналишда ўн йилдан кўп вақт давомида Давлат дастури ҳам татбиқ этиб келинмоқда. Кейинги йилларда тизимнинг моддий-техник негизи тўлиқ шакллантирилди, замонавий ташхис ва даволаш анжомлари билан жиҳозланган кўплаб замонавий тиббиёт мажмуалари, ихтисослаштирилган марказлар, оилавий поликлиникалар барпо этилиб, аҳолига хизмат қилмоқда. Умуман, Мустақиллик йилларида бевосита давлатимиз раҳбари ташаббуси билан тиббий хизмат кўрсатиш соҳасининг жаҳон андозаларига мос мустаҳкам пойдевори яратилди. Ушбу жараёнда халқаро ҳамкорликнинг имкониятлари ҳам кенг қўлланиб келинаётгани эътиборлидир.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастури асосида бир қатор устувор вазифалар, жумладан, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, бу борада зарур моддий шароитни яратиш, туғиш ёшидаги аёлларни вақтида кўрикдан ўтказиб, туғилажак авлодни нуқсонсиз дунёга келтириш масалаларининг ечими сифатида ташхис ва скрининг марказларини ташкил этиш ишлари белгилангандир. Ўтган вақт давомида бу борада кўплаб ижобий натижаларга эришилди, талай тажриба орттирилдики, айни пайтда ушбу йўналишдаги ишларни янада кучайтириш талаб этилаётир. Мамлакатимиз Президентининг жорий йил 13 апрелдаги «Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ҳамда 1 июлдаги «2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида»ги Қарорларида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш борасида беш йил ичида амалга ошириладиган муҳим дастурий вазифалар белгиланган. Сессияда сўзга чиққан шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси бошлиғи Бахтиёр Мамажонов ушбу Қарорлар ижроси бўйича Тошкент шаҳрида амалга оширилаётган ишлар хусусида ахборот берди. Жумладан, бу борада шаҳар, туманлар, барча тиббий муассасалар кесимида штаб ташкил этилган бўлиб, барча маълумотлар шаҳар миқёсида таҳлил этиб борилмоқда, зарур вазиятларда сайёр штаблар ҳам уюштирилмоқда. Аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш масалаларининг долзарблигини инобатга олган ҳолда, соҳа мутахассислари томонидан жамоатчилик тузилмаларини кенг жалб этган ҳолда маҳаллаларда, ўқув юртларида семинар-тренинглар, давра суҳбатлари ўтказилмоқда. Ўтган вақт ичида маҳаллалар кўмагида тизимли равишда аҳолини тиббий кўрикдан ўтказиш ойликлари бўлиб ўтди. Тўққиз ой давомида туғиш ёшидаги аёлларнинг асосий қисми ҳам диспансеризация муолажаларини ўтаб, аниқланган касалликлар бўйича амбулатор ва стационар равишда соғломлаштирилди.

Сессияда тегишли меъёрий ҳужжатлар ижроси юзасидан амалга оширилаётган ишлар ҳақида туман ҳокимлари ва ҳудудий тиббиёт бирлашмалари раҳбарларининг ахборотлари ҳам тингланди.

Кун тартибидаги масала юзасидан билдирилган фикрлар ва мулоҳазаларни инобатга олган ҳолда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг қарори қабул қилинди.

**Ильмира ШАРАФУТДИНОВА**

## «ПРЕЗИДЕНТГА МАКТУБЛАР» КИТОБИНИНГ ТАҚДИМОТИ

**Маълумки, «Маънавият» нашриёти томонидан 2006 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номига юборилган минглаб мактуб ва номалар ҳамда уларга давлатимиз раҳбари йўллаган жавоблардан танлаб олинган айрим намуналар «Президентга мактублар» деган ном билан алоҳида китоб шаклида нашр қилинган эди.**

Яқинда ана шу китобнинг иккинчи жилди чоп этилди. Янги нашрдан 2005-2009 йиллар давомида Юртбошимиз номига мамлакатимиз ва хорижий давлатлар фуқаролари ҳамда нуфузли халқаро ташкилотларнинг раҳбарлари, таниқли сиёсатчилар, жамоат арбобларидан келган хатлар ва уларга жавоб мактубларидан айрим намуналар ўрин олган.

Шу йилнинг 6 ноябрь куни Ўзбекистон Миллий университетида ушбу китобнинг тақдимотига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Тадбирда таниқли маданият, адабиёт ва маънавият намояндалари, пойтахтимиздаги бир қатор олий ўқув юртларининг профессор-ўқитувчилари ва талабалари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Тақдимот маросимида Республика Маънавият тарғибот маркази раҳбари М.Ҳожиматов, фалсафа фанлари доктори, профессор А.Очилдиев, филология фанлари доктори, профессор С.Ғаниева, филология фанлари номзоди О.Мадаев, Тошкент шаҳар, Сергели туманидаги 300-иқтидорли ва қобилиятли болалар мактаби ўқитувчиси М.Қурбонова, Республика болалар психоневрология шифохонаси бош шифокори ўринбосари Ф.Ҳамроев, Ўзбекистон давлат консерваторияси талабаси Л.Абдуллаева, Тошкент давлат иқтисодиёт университети магистранти А.Ҳакимов ва бошқалар сўзга чиқишди.

Тадбирда «Президентга мактублар» китоби Ўзбекистон Президентининг юксак масъулияти, серқирра фаолияти ҳақида китобхонлар тасаввурини янада кенгайтириб, мамлакатимизнинг ички ва ташқи сиёсати, халқимизнинг эркин ва фаровон ҳаёти, қувончу ташвишларига оид энг долзарб масалалар юзасидан ватандошларимиз, халқаро жамоатчилик вакиллари билан олиб борилаётган доимий ва самимий мулоқотлар ҳақида янги маълумотлар беришга, ёшларимизни ватанпарварлик, истиқлол ғоясига садоқат руҳида тарбиялашга хизмат қилиши таъкидланди.

Тақдимот маросимида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов иштирок этди.

**(ЎзА).**

Тошкент шаҳар ҳокимлигида

## ЧОРА-ТАДБИРЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

**Куни кеча шаҳар фаолларининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Тошкент шаҳрининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида ўтган тўққиз ой давомида эришилган натижалар батафсил таҳлил этилиб, мамлакатимиз раҳбари томонидан иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш бўйича жорий йилга белгиланган устувор вазифаларнинг сўзсиз бажарилиши юзасидан қўшимча чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Йиғилишни Тошкент шаҳар ҳокими Абдуқаҳҳор Тўхтаев олиб борди.**

(Давоми 2-бетда).

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

*Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.*

✓ **«КАМОЛОТ»** ЁИҲ Тошкент шаҳар бўлими ташаббуси билан **ЎТГАН** куни ёшлар иштирокида ўтказилган расмлар кўрик-танлови «Озарбойжон ҳақида нималарни биласиз?» деб номланди.

✓ **КЕЧА** шаҳримиздаги «Наврўз» мажмуасида «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни янада юксалтириш борасида амалга оширилган ишлар ва келажакдаги режалар» мавзуида ҳуқуқшунослар иштирокида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

✓ **КЕЧА** Ҳазрати имом мажмуасида шаҳар жамоатчилиги вакиллари, олимлар иштирокида уюштирилган анжуман «Дунёвийлик — даҳрийлик эмас» деб номланди.

✓ **БУГУН** Ҳамза туманидаги 161-мактабда 5-9-синфлар ўқувчилари ўртасида у-шу ва қўл жанги бўйича мусобақалар ўтказилди.

## XXI аср садоси

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

### МАМЛАКАТИМИЗДА

● **Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитасининг «Селекция ютуқлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг Андижон вилоятидаги ижроси бўйича ўтказган назорат-таҳлил натижаларига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.**

● **Ўзбекистон фермер хўжаликлари уюшмасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат-нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди ҳамкорлигида фермер хўжаликларида қайта ишлашни жорий этиш ҳамда кооперацияни ривожлантиришга бағишланган кўргазмали семинар ташкил этилди.**

● **Тошкентда Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг навбатдаги съезди бўлиб ўтди. Съезд ишида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар партия ташкилотларидан сайланган делегатлар иштирок этди.**

● **Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал -демократик партиясининг V съезди бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг мамлакатимизнинг барча минтақаларидаги ташкилотларидан сайланган 300 нафардан ортиқ делегат иштирок этди.**

● **Самарқанд шаҳрида жорий йилнинг тўққиз ойида вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва шу йил 13 февралда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисида Президентимиз Ислом Каримов томонидан белгилаб берилган иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг устувор вазифаларини амалга ошириш масалаларига бағишланган фаоллар йиғилиши бўлиб ўтди. Фаолларнинг шундай йиғилишлари Тошкент, Фарғона, Бухоро ва Сурхондарё вилоятларида ўтказилди.**

● **Гулистон шаҳрида «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ҳамда «Камалак» болалар ташкилоти ҳамкорлигида ташкил этилган «Янги авлод» фестивалининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Унда туман ва шаҳар босқичларида муваффақиятли қатнашган 140 нафар ўғил-қиз фортепиано, анъанавий ва эстрада ижрочилиги, рассомлик каби йўналишларда ўз маҳоратларини намойиш этишди.**

### ЖАҲОНДА

● **Кеча Германияда Шарқий ва Ғарбий Германиянинг бирлашишига замин яратган Берлин девори қулашининг 20 йиллигига бағишланган тантаналар бўлиб ўтди. Унда 50 мамлакатнинг етакчилари иштирок этди.**

● **Ливан Бош вазири С.Ҳаририй миллий бирлик ҳукуматини шакллантирди.**

● **Келаси йилдан бошлаб Россия ўн йилдан ортиқ амал қилганидан сўнг мамлакатда ўлим жазосини қайта тиклаши мумкин. Россия агарда шундай йўл тутса, у ўзининг Европа Иттифоқидаги ўрнини йўқотиши мумкин.**

● **Кеча қалин қор ёғиши натижасида Пекин халқаро аэропортида 90 дан ортиқ авиарейслар бекор қилинди.**

● **Индонезиянинг Сумбава оролида содир бўлган кучли зилзила оқибатида бир неча киши ҳалок бўлди ва қирққа яқин одам оғир жароҳатланди. Мутахассисларнинг таъкидлашича, силкиниш 6,7 баллни ташкил қилган. Оқибатда кўплаб турар-жой бинолари, мактаблар, иншоот ва йўллар вайрон бўлган.**

● **Франция ҳукумати мамлакат музейларига бепул кириш тўғрисида қарор қабул қилди. Бу ҳужжат 18-25 ёшли йигит-қизларга мамлакатдаги элликта йирик музей ва кўплаб тарихий обидаларни бепул зиёрат қилиш ҳуқуқини беради. Бундан мақсад ёш авлоднинг миллий қадриятларга, урф-одат ва тарихга қизиқиш ва ҳурматини янада оширишдан иборат.**

● **Австралиянинг Виктория штатида кучли ўрмон ёнғинлари юзага келди.**

● **Лондон биржасида олтиннинг бир унцияси 1101,42 АҚШ доллари даражасида баҳоланди. Бу ушбу қимматбаҳо металл баҳосида ҳозирга қадар кузатилган энг юқори натижадир. Шри-Ланка марказий банки ўзининг олтин заҳираларининг оширилишини маълум қилгани халқаро бозордаги нарх-навога шундай таъсир этгани айтилмоқда.**

● **Россиялик машҳур теннисчи Марат Сафин ўзининг катта спортдан кетишини эълон қилди. Кеча Сафин ўз спорт ҳаётидаги энг сўнгги мусобақа — Париждаги Мастерс турнирида иштирок эта бошлади ва дастлабки ўйинда чиройли ғалабага эришди.**

# ЧОРА-ТАДБИРЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

*(Давоми. Боши 1-бетда).*

Қайд этилганидек, бутун республикадаги каби, пойтахтда ҳам авваламбор Инқирозга қарши чоралар дастурида кўзланган вазифаларнинг изчил татбиқ этилиши боис ҳисобот даврида юқори ва мутаносиб иқтисодий ўсиш суръатларига эришилди, иқтисодиётни модернизация қилиш бўйича узоқ муддатли вазифаларнинг ҳал этилишида силжишлар салмоқли бўлиб, аҳолининг бандлиги ва фаровонлиги ошиши таъминланди. Шу ҳам алоҳида таъкидландики, таркибий ўзгартиришларнинг давом эттирилиши, иқтисодиёт муҳим тармоқларининг модернизация қилиниши, давлат томонидан маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг ҳар томонлама қўллаб-қувватланиши, иқтисодиётнинг реал секторига кўмак кўрсатилиши, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига қўшимча имтиёзлар берилиши, экспортга йўналтирилган корхоналарга молиявий ёрдам кўрсатиш бўйича амалга ошириб келинаётган тизимли чора-тадбирлар юқори кўрсаткичларга эришишда асосий омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўтган тўққиз ой якунлари бўйича ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 12,6 фоизга ошган бўлиб, бунда саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми —10,6 фоизга, истеъмол маҳсулотлари — 13,1 фоизга, пудрат ишлари — 21,3 фоизга ортиғи билан таъминланди.

Маҳаллийлаштириш дастури доирасида 446,3 миллиард сўмлик импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқарилди. Ҳисобот даврида ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 17,2 фоизга кўп хизматлар кўрсатилиб, ушбу соҳанинг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши 67 фоизни ташкил этди.

Эришилган юқори кўрсаткичлар натижаси ўлароқ давлат ва маҳаллий ғазнага тушумлар вақтида ва ортиғи билан тегишли равишда 110,9 фоиз ва 101,6 фоизга бажарилди.

Иқтисодиётни юксалтириш, замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозлаш, янги корхоналарни барпо этиш, мавжудларини замонавийлаштириш борасидаги саъй-ҳаракатлар ўз навбатида, ташқи иқтисодий алоқаларнинг фаоллашувига ва ташқи савдо айланмаси таркибида ижобий ўзгаришларга эришилишига туртки бўлди. Ҳисобот даврида экспорт ҳажми 114,3 фоизни ташкил этган ҳолда 334 миллион долларга ошди.

Тўққиз ой давомида барча манбалар ҳисобига 1440 миллиард сўм сармоя ўзлаштирилди, бу эса ўтган йилга нисбатан сармоялар микдорининг 11 фоизга ошганидан далолатдлир. Тўғридан-тўғри инвестицияларнинг ҳажми беш фоизга ортди. Жалб этилган инвестицияларнинг деярли 73 фоизи ишлаб чиқаришга йўналтирилди. Хусусан, ўтган вақт ичида машинасозлик, қурилиш, енгил саноат соҳасида 25 та янги корхона фойдаланишга топширилди.

Сармоявий лойиҳаларнинг амалга оширилиши натижасида 620 та янги иш ўринлари яратилди. Умуман олганда, тўққиз ой ичида пойтахтда аҳолини иш билан таъминлашни кучайтириш мақсадида 64 мингдан зиёд янги иш жойлари ташкил этилди. Шу жумладан, Инқирозга қарши чоралар дастури доирасида 6,6 мингга яқин киши иш билан таъминланди. Янги иш жойларининг 66 фоизи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳисобига тўғри келаётир.

Шу билан бирга, йиғилишда танқидий тарзда қайд этиб ўтилганидек, ўтган давр ичида айрим тармоқлар бўйича мақсадли дастурларни бажариш борасида ҳам туманлар кесимида оқсалиш ва камчиликларга йўл қўйилган. Жумладан, Сергели, Учтепа, Ҳамза, Юнусобод ва Яккасарой туманларида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг пасайиши кузатилган. Шаҳар миқёсида 31 та йирик корхонада ўтган даврга солиштирган ҳолда 67,3 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилмаган.

Жорий йилда Маҳаллийлаштириш дастури доирасида 326 та лойиҳани амалга ошириш режалаштирилган бўлса, шундан 233 таси бўйича мақсадли кўрсаткичларнинг ижроси таъминланган. 24 та лойиҳа бўйича умуман силжиш бўлмаган, қолганлари тўлиқ бажарилмаган.

Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш дастури бўйича Бектемир, Мирзо Улуғбек, Миробод, Собир Раҳимов ва Шайхонтоҳур туманларида мажбуриятлар тўлиқ бажарилмаган.

Айрим туманлар раҳбарлари инвестицияларни жалб қилиш жараёнларига жиддий эътибор беришмаган.

Йўл қўйилган камчиликлардан келиб чиққан ҳолда йиғилишда туман ҳокимлари ва тегишли тузилмалар раҳбарларига мақсадли дастурлар бажарилишида оқсалишга йўл қўйган хўжалик субъектлари раҳбарлари билан биргаликда юзага келган вазиятни чуқур ўрганиб, уни барқарорлаштириш ва йил якунига кўра режа кўрсаткичларини тўлиқ таъминлаш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Йиғилишда уй-жой—коммунал соҳасида амалга оширилган ишлар ҳам таҳлил этилди. Ўтган вақт давомида 1991 йилгача қурилган 424 та кўп қаватли уйнинг муҳандислик тизими буткул таъмирдан чиқарилди. Бундан ташқари, кўп қаватли уйларнинг 714,3 минг квадрат метр том қисми жорий ва мукаммал таъмирланди, 637 та уйнинг олд қисми тартибга келтирилиб, 1047 та кириш йўлаклари жорий таъмирланди, 10 та янги лифт кабиналари ўрнатилди, 524 таси таъмирланди, маҳалла кўчаларига 470 минг квадрат метр асфальт ётқизилди. Маълумот ўрнида шуни ҳам эслатиб ўтилдики, 2005-2008 йилларда туман ҳокимликлари томонидан шаҳардаги барча кўп қаватли уйларнинг кириш йўлаклари мукаммал таъмирланган. Аммо ўрганишлар шуни кўрсатмоқдаки, уларнинг аксарияти бугунги кунга келиб кўримсиз даражада, хусусан, дераза, эшикларнинг синган, деворларнинг ачинарли ҳолатда эканлигини кўриш мумкин. Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари ва бевосита мулкдорлар, яъни хонадон эгалари томонидан мунтазам назорат олиб борилмагани сабабли шундай вазият юзага келган ва, афсуски, яна қайта таъмирлаш талаб этилади. Йиғилишда бу борада туман ҳокимликларига УЖМШ ва ширкат уюшмалари билан биргаликда уй-жой фондини сақлаш борасида зарур тадбирларни ўтказиш, ҳудудларни ободонлаштириш ва тартибга келтириш юзасидан тегишли топшириқлар берилди.

Фаоллар йиғилишида «Тошкент иссиқлик маркази» акциядорлик жамияти, «Тошшаҳаргаз», шаҳар электр тармоқлари, «Сувсоз» корхоналари раҳбарларининг қиш мавсумига ижтимой соҳа ва бошқа объектларнинг тайёргарлиги ва ушбу даврда барқарор фаолият кўрсатиши, газ, электр ва иссиқлик қуввати, ичимлик сувининг узлуксиз етказиб берилиши ҳақидаги ҳисоботлари тингланди. Жумладан, қайд этилганидек, куз-қиш мавсумига тайёргарлик жараёнида 20 километр иссиқлик, 35,5 километр газ, 10,2 километр ичимлик суви тармоқлари буткул таъмирдан чиқарилиб, бу тармоқларнинг асосий қисмида ҳам жорий таъмирлаш ишлари амалга оширилган. Жойларда иссиқлик узатиш тизимларини ювиш тадбирлари вақтида бажарилган.

Бу борада барча коммунал хўжалиги тузилмалари раҳбарларининг шахсан жавобгар эканликларига урғу берилган бўлсада, қиш мавсумида иссиқликни сақлаш бўйича қандай ишлар қилингани ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бу борада биринчи навбатда ижтимой соҳа раҳбарларининг ҳам жавобгарлиги эслатиб ўтилди. Таъкидланганидек, бугунги кунда соғлиқни сақлаш, таълим соҳаси объектлари, шунингдек, кўп қаватли уйлар иссиқлик таъминотига ўтказилди. Шундай бўлсада, тегишли ҳароратнинг бино ва хоналарда маромида таъминланиши фақат иссиқлик етказиб берувчиларга эмас, балки истеъмолчиларга ҳам боғлиқ эканлиги қайд этилди. Бу борада шаҳар Соғлиқни сақлаш, Халқ таълими бош бошқармалари, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси бошлиқларининг ҳам ахбороти эшитилиб, уларга жойларда зарур профилактик ишларни янада кучайтириш вазифаси топширилди.

Йиғилишда шаҳар аҳолисини қиш мавсумида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан узлуксиз ва сифатли таъминлаш, шу мақсадларда биринчи галдаги зарур мева-сабзавотлар турларини вақтида ғамлаш юзасидан тегишли тузилма раҳбарларига вазифалар юклатилди.

Фаоллар йиғилишида кўрилган барча масалалар бўйича тегишли қарорлар қабул қилиниб, асосий эътибор ижтимоий-иқтисодий соҳаларда белгиланган устувор вазифаларнинг сўзсиз бажарилишини таъминлашга йўналтирилган қўшимча чора-тадбирларга қаратилди.

**Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА**

**Алишер Навоий номидаги опера ва балет театрида Успенский номидаги Республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейининг ташкил топганига 70 йил тўлиши муносабати билан концерт дастури бўлиб ўтди.**

# МУСИҚА МАКТАБИДА ТАНТАНА

Халқ таълими вазирлиги ташаббуси билан ташкил этилган тадбир Республика Қуролли Кучлар ансамблининг чиқиши билан бошланди. Шундан сўнг билим юртида сабоқ олган ва халқаро танловларда ғолибликни қўлга киритган ўқувчилар ўз иқтидорларини намойиш этди.

Академик лицей болалар ва ўсмирларга профессионал мусиқа таълимини мукаммал даражада ўргатиб келаётган республикамиздаги етакчи илм маркази саналади. Тўққиз йиллик мактаб ва уч йиллик лицейдан иборат мазкур билим масканида 623 нафар ўқувчи таҳсил олмоқда.

Лицейда мусиқа таълимидан сабоқ олаётган ўқувчилар бугунги кунда республикамизда ўтказилиб келинаётган "Ниҳол", "Келажак овози" танловларида ғолиб чиқиб, "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси грантларига сазовор бўлишаяпти.

— Лицейимизда мусиқа санъатидан мукаммал сабоқ берадиган устозлар кўп, — дейди лицей директори Дилдора Жамолова. — Иқтидорли ўқувчиларимиз Италия, Греция, Англия, Франция, Руминия, Германия, Португалия, Литва, Россия, Украина давлатларида бўлиб ўтган 120 дан ортиқ халқаро танловларда муваффақиятли иштирок этиб, қатор нуфузли олий ўқув юртларига имтиёз асосида ўқишга қабул қилинди.

Дастур сўнгида лицейда қатор йиллардан буён меҳнат қилиб келаётган фахрий устозларга эсдалик совғалар топширилди.

**Азима ҚИЁСОВА,**
**"Туркистон-пресс"**

# ФАН ОЙЛИГИ ЎТКАЗИЛДИ

**Собир Раҳимов туманидаги 46-умумтаълим мактабида она тили ва адабиёти фани ойлиги якунланди.**

Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармаси томонидан ташкил этилган тадбирда филология соҳаси ривожига ҳисса қўшиб келаётган қатор тилшунос олимлар, ёзувчи ва шоирлар, таниқли санъаткорлар иштирок этди.

Фан ойлиги давомида амалга оширилган ишлар сарҳисобида барча йўналишда юқори натижаларга эришган ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ижодий ишлари тақдимоти бўлиб ўтди.

Тадбир давомида "Энг яхши тадбир ишланмаси", "Бугунги кун ўқитувчиси", "Энг яхши фан хонаси", "Энг ажойиб буклет", "Энг иқтидорли ўқувчи", "Энг билимдон нотиқ", "Энг чиройли ҳуснихат", "Энг маъноли деворий газета" мавзуларида ўтказилган кўрик-танловлар ғолиблари аниқланди.

Ойлик давомида ўтказилган "Ўқувчиларни она тили ва адабиёт ҳамда ўзбек тили фанларига қизиқтириш учун..." мавзусида тайёрланган "Энг қизиқарли ғоя" муаллифларининг тақдирланиши ўқитувчиларнинг ижодий фикрлашига замин яратди.

Фестивалда она тили ва адабиёт фанидан сабоқ бериб келаётган ўқитувчилар ижросидаги мумтоз адабиёт намояндаларининг ғазалларидан тузилган сарчашмалар, шеърий баҳру байтлар йиғилганларнинг олқишига сазовор бўлди.

Тадбирда соҳа мутахассислари ўзбек тили фанидан "Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси — 2009" кўрик-танловининг Республика босқичи ғолиби, Учтепа туманидаги 107-мактабнинг ўқитувчиси Нигора Салимованинг иш тажрибаси билан танишиб чиқишди.

Шаҳар халқ таълими бошқармаси методика маркази методисти Замира Азимбоева фан ойлиги давомида амалга оширилган ишлар, ўқитувчилар томонидан ўтилган очиқ дарслар, амалиётга татбиқ этилган инновацион лойиҳалар, шунингдек, галдаги вазифаларга ҳам тўхталиб ўтди.

# ЭНГ ЯХШИ ОРОМГОҲ

**Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғида «Энг яхши оромгоҳ» республика кўрик-танлови бўлиб ўтди..**

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ташаббуси билан ўтказилган танловда Тошкент шаҳри ва вилоятлардан 12 та маданият ва истироҳат боғи иштирок этди.

Танлов республикадаги маданият ва истироҳат боғлари моддий техник базаси, аттракционларнинг ҳолати, уларда иш юритиш услублари, маданий-маърифий тадбирларни ўтказишда ўзига хос усуллар ва шакллардан фойдаланиш даражасини ўрганиш, иш самарадорлигини ошириш ва боғларда бадиий ҳаваскорлик ва спорт тўгараклари фаолиятини кучайтиришга қаратилганлиги билан ҳам аҳамиятлидир. Шунингдек, танлов ижодий ходимларнинг касб маҳоратини ошириш, боғ фаолиятига иқтидорли ёш мутахассисларни жалб қилиш, маданият масканларидаги маркетинг хизматларини янада такомиллаштириш имконини беради.

Танловда асосий эътибор маданият ва истироҳат боғларининг янги аттракционлар билан таъминланиши, нодавлат ташкилотлар билан ҳамкорликда ўз ҳудудига мос бўлган маданий-оммавий тадбирларни ўтказиб бориши, масканадаги ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларига қаратилди.

Танловда биринчи ўринни Тошкент шаҳридаги Ғафур Ғулом, иккинчи ўринни Самарқанд шаҳридаги А.Навоий, учинчи ўринни эса Бухородаги Сомонийлар ҳамда Андижон шаҳридаги А.Навоий номидаги маданият ва истироҳат боғлари эгаллашди.

— Танловда иштирок этиш баҳона маданият ва истироҳат боғимизнинг фаолияти тубдан такомиллашди, —дейди Бухоро вилояти Сомонийлар маданият ва истироҳат боғининг раҳбари Файзулла Нарзуллаев. – Боғда дам олувчиларнинг маданий ҳордиқ чиқаришлари учун барча шарт-шароитлар яратилган. Келажакда янги замонавий аттракционларни сотиб олиш режалаштирилган. Боғда хизмат қиладиган ишчиларнинг малакасини ошириш мақсадида уларни Абдулла Қодирий номли Тошкент давлат маданият институтида ўтказиладиган ўқув машғулотларига жалб қилаяпмиз.

**"Туркистон-пресс"**

# ТАДБИРЛАР РЕЖАСИ

**Умумтаълим мактабларида маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини янада яхшилаш мақсадида республика таълим маркази тадбирлар режасини ишлаб чиқди.**

Унга кўра мактабларда очиқ дарслар ўтказиш, китобхонлар конференцияларини уюштиришга алоҳида эътибор қаратилади.

Айни вақтда «Тил — миллат кўрки», «Кутубхона ва китобхон», «Мен севган ёзувчи» каби мавзуларда ўқувчилар рефератлари тайёрланади.

**Анвар ВАҲОБОВ**

**Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан 2006 йил 12 сентябрда қабул қилинган тиббиёт ходимлари кунини белгилаш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунига биноан, юртимизда ҳар йили ноябрь ойининг иккинчи якшанбаси шифокорларнинг касб байрами сифатида кенг нишонланади.**

Фармон ва ижро

# ЮКСАК ЭЪТИБОР ВА ҒАМХЎРЛИК САМАРАЛАРИ



Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида ана шу санага бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Унда соғлиқни сақлаш тизими ходимлари билан бир қаторда давлат, жамоат ташкилотлари вакиллари ҳам иштирок этди.

Ўзбекистон соғлиқни сақлаш вазири Адҳам Икромов юртимизда тиббий-ижтимоий жабҳада олиб борилаётган изчил ислоҳотлар натижасида халқимизга жаҳон андозалари даражасида тиббий хизмат кўрсатишнинг самарали тизими шаклланганини алоҳида таъкидлади. Аҳолининг барча қатламларини қамраб олишга мўлжалланган шошилинч тиббий ёрдам хизмати тизимида, энг оғир хасталикларга ҳам тез ва самарали ташхис қўйиш ҳамда юксак технологиялар асосида тиббий ёрдам кўрсатишга йўналтирилган ихтисослаштирилган тиббий илмий марказларда ҳар йили минглаб инсонлар шифо топади.

Давлатимиз раҳбарининг 2007 йил 19 сентябрдаги "Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида"ги Фармони бундай хайрли ишлар кўламини янада кенгайтиришда муҳим омил бўлаётир.

Мазкур ҳужжатда белгиланган тадбирлар изчил ижро этилиши натижасида шошилинч тиббий ёрдам муассасаларининг моддий-техника базаси янада мустаҳкамланмоқда. Ихтисослаштирилган тиббиёт муассасалари сони кенгаймоқда. Аҳолига бирламчи тиббий ёрдам кўрсатиш ишлари самарадорлигини янада ошириш мақсадида халқаро ташкилотлар ва нуфузли молия муассасалари билан ҳамкорликда "Саломатлик-1" ва "Саломатлик-2" лойиҳалари доирасида салмоқли ишлар амалга оширилаётир. Бунинг натижасида қишлоқ врачлик пунктлари замонавий тиббий жиҳозлар билан таъминланмоқда. Энг янги русумдаги лаборатория воситалари, стерилизация жиҳозлари, физиотерапия асбоблари, турли хасталикларни аниқлайдиган ва самарали даволайдиган тиббий технологиялар билан жиҳозланган қишлоқ врачлик пунктларига аҳолининг ишончи тобора мустаҳкамланаётир.

Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида бошқа соҳалар қатори аҳолига тиббий ёрдам кўрсатиш ишлари кўлами янада кенгайди. Қишлоқ врачлик пунктларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, биноларни таъмирлаш ва замонавий тиббий воситалар билан таъминлаш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Ўз навбатида бундай имкониятдан оқилона фойдаланаётган бирламчи шифо масканлари мутахассислари касалликларнинг олдини олиш, оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш, тиббий-эпидемиологик муҳитни барқарорлаштиришда салмоқли натижаларга эришмоқдалар.

Қорақалпоғистон Республикасининг Элликқалъа туманидаги "Ибн Сино" қишлоқ врачлик пункти 2009 йилнинг энг намунали қишлоқ врачлик пункти деб топилди ҳамда "Дамас" автомашинаси билан тақдирланди.

– Ушбу мукофот бирламчи шифо масканлари фаолиятини такомиллаштиришга давлатимиз раҳбари томонидан қаратилаётган юксак эътиборнинг амалдаги яна бир ифодасидир, — дейди мазкур қишлоқ врачлик пункти мудираси Дилором Айтбоева. – Тиббий масканимиз энг сўнгги русумдаги диагностика аппаратлари билан тўла таъминланган. Бизга тақдим этилган автомашина патронаж ишларини янада кенгайтириш, аҳолининг қишлоқ врачлик пунктига ишончини ошириш ва иш фаолиятимизни ривожлантиришга хизмат қилади.

Тадбирда оилавий поликлиникалар ўртасида ўтказилган танлов якунлари эълон қилинди. Сирдарё вилояти Гулистон шаҳридаги 1-оилавий поликлиника биринчи ўринга лойиқ топилди.

– Оила шифокори тизими шаҳар шароитида аҳолига тез ва самарали тиббий ёрдам кўрсатиш, касалликларнинг олдини олиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, оилаларда тиббий маданиятни оширишда яхши усул эканини яққол намоён этмоқда, — дейди мазкур поликлиника бош шифокори Саидаҳмад Ҳамроқулов. — Етти нафар оила шифокоримизнинг ҳар бирига икки-икки ярим минг аҳоли бириктирилган. Улар ҳар бир оила аъзосининг жисмоний ва руҳий ҳолати тўғрисида тўла маълумотга эга. Бу хасталикларнинг олдини олиш ва профилактика тадбирларини юқори савияда ташкил этишда ғоят қўл келмоқда.

Тадбирда энг фаол умумий амалиёт шифокори ва патронаж ҳамшираси танловлари ғолиблари ҳам эълон қилинди. Ғолиб ва совриндорлар "Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш аълочиси" кўкрак нишони ҳамда қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди. Байрам концерти даврага янада файз киритди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Орипов сўзга чиқди.

**Баҳор ХИДИРОВА,**
**ЎзА мухбири**
**Сарвар Ўрмонов (ЎзА) олган сурат**

**Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 117-моддасига мувофиқ 2009 йил 27 декабрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов бўлиб ўтади.**

Сайлов — 2009

# КОНСТИТУЦИЯВИЙ-ҲУҚУҚИЙ КАФОЛАТ БЕЛГИСИ

Сайловлар – кучли фуқаролик жамиятига эга бўлган ҳуқуқий-демократик давлатнинг ажралмас белгиси, халқ хоҳиш-иродасининг эркин ифодаланиши, фуқароларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришда иштирок этишининг асосий шаклидир.

Конституция парламент депутатларининг ҳудудий сайлов округлари бўйича кўппартиявийлик асосида сайланишини муҳим конституциявий принцип сифатида мустаҳкамлайди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси сайловини ўтказувчи сайлов округлари Ўзбекистоннинг бутун ҳудудида сайловчилар сонига қараб тенг ҳолда тузилади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 77-моддасида сайлов куни йигирма беш ёшга тўлган ҳамда камида беш йил Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муқим яшаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутати, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати аъзоси бўлиши мумкин. Депутатликка номзодларга қўйиладиган талаблар қонун билан белгиланади.

Айни бир шахс бир пайтнинг ўзида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутати ва Сенати аъзоси бўлиши мумкин эмас.

Шу йил 27 декабрда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда маҳаллий Кенгашларга ўтказиладиган сайловлар мамлакатимизни демократик янгилаш ва модернизация қилиш бўйичаислоҳотларни чуқурлаштириш ишида муҳим босқич бўлади. Бўлажак сайловлар сифат жиҳатидан тамомила янги сиёсий, ижтимоий-иқтисодий шароитларда ўтказилади.

Жамиятни демократик янгилаш ва модернизация қилиш жараёнларида мамлакатимиз Олий Қонунчилик органи, маҳаллий ҳокимият вакиллик органларининг роли ва ўрни анча кенгайди ва мустаҳкамланди. Вужудга келган сиёсий воқеликларни ҳисобга олган ҳолда ҳамда қонун ижодкорлиги ишлари савиясини, мамлакатимизни демократик янгилашда сиёсий партиялар ва фуқаролик жамияти институтларининг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш мақсадида Қонунчилик палатасидаги депутатлик ўринлари сони 120 тадан 150 тага кўпайтирилди.

Қонунчилик палатасининг бир юз ўттиз беш депутати ҳудудий бир мандатли сайлов округлари бўйича кўппартиявийлик асосида умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан сайланади. Қонунчилик палатасининг ўн беш депутати Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланади. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, экологик вазиятни ҳамда одамлар саломатлигини яхшилаш масалалари ниҳоятда муҳимлиги, сиёсий қарашлардан қатъи назар, уларнинг ҳал қилинишидан жамиятимизнинг барча қатлами манфаатдорлигини эътиборга олган ҳолда, янги қонунга мувофиқ Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланадиган депутатларга 15 та депутатлик ўрни берилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати ўртасидаги оқилона мувозанат муҳим конституциявий-ҳуқуқий асосга таянади. Бу эса кучли фуқаролик жамияти барпо этишнинг ва сиёсий партиялар ролини янада кучайтиришнинг муҳим конституциявий-ҳуқуқий кафолати бўлиб хизмат қилади. Энг муҳими, Олий Мажлисга ҳамда маҳаллий Кенгашларга сайловларнинг демократик тарзда ўтказилиши парламентнинг ва жойлардаги депутатлик корпусларининг роли ва ўрнини янада оширишга, қолаверса, жамиятни янгилаш ва демократлаштириш жараёнларини янада чуқурлаштириш имкониятини яратади.

**Гулчеҳра ИСРОИЛОВА,**
**Солиқ академияси юридик фанлар кафедраси ўқитувчиси**

**Жорий йил давомида мамлакатимизда хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини янада ривожлантириш, айниқса кичик бизнес ва тадбиркорликка кенг йўл очиш мақсадида бир қатор янги меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди. Хусусан, Ўзбекистон Президентининг 2009 йил 27 февралдаги ҳамда 17 июндаги Фармонларига асосан айрим солиқ имтиёзларига ўзгартиришлар киритилди.**

# СОЛИҚ ИМТИЁЗЛАРИДА ЎЗГАРТИРИШЛАР

Масалан, нефть ва газ конларини қидириш ва ўрганиш ишларини амалга оширган хорижий компаниялар иштирокида ташкил этиладиган нефть ва газ қазиб чиқарувчи қўшма корхоналар нефть ёки газ қазиб олинишидан бошлаб етти йил муддатга фойда солиғи тўлашдан озод қилинди.

Экспорт қилувчи корхоналар учун фойда солиғи ва мулк солиғи тўлаш тартиби умумий сотиш ҳажмида ўзи ишлаб чиқарган ва эркин алмаштириладиган валютада сотилган товарлар, ишлар экспортидаги (ишлар бажарилган, хизматлар кўрсатилган жойдан қатъи назар) улушига боғлиқ ҳолда қуйидагича белгиланди: экспорт улуши 15 фоиздан 30 фоизгача миқдорда бўлганида — белгиланган фойда солиғи ва мулк солиғи ставкалари 30 фоизга камайтирилади. Мазкур солиқ имтиёзи ягона солиқ тўловини ҳисоблаш чоғида микрофирмалар ва кичик корхоналарга татбиқ этилиши белгиланди.

Технологик жиҳозлар харид (импорт) қилинган пайтдан бошлаб уч йил ичида сотиб юборилган ёки бепул берилган бўлса, қайд этиб ўтилган солиқ имтиёзларининг амал этиши бекор қилинади, бюджетга тегишли солиқлар тўлаш бўйича мажбуриятлар тикланади. Худди шундай вазиятда божхона тўловлари бўйича имтиёзлар ҳам бекор қилинади ва бюджетга божхона тўловлари тўлаш бўйича мажбуриятлар тикланиши белгиланди.

**Муҳиддин МУХАМЕДОВ,**
**Собир Раҳимов тумани ДСИ шўъба бошлиғи**

Қиш тайёргарликни ёқтиради

# БАРЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ИШГА СОЛИНДИ



**Бектемир тумани — пойтахтимизнинг энг мўъжаз ҳудудларидан бўлишига қарамасдан бу ерда 30 мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Туманда истиқомат қилувчиларнинг асосий қисмини ҳовлили уйларда яшовчилар, қолганини эса кўп қаватли хонадонлар ташкил этади.**

Шунинг учун ушбу ҳудудда аҳолини узлуксиз табиий газ билан таъминлашда ўзига хос мураккабликлар йўқ эмас. Буни яхши ҳис этишган «Бектемиртумангаз» филиали мутахассислари қиш мавсумига тайёргарлик ишларини ёзнинг сўнгги ойларидаёқ бошлаб юборишганди. Натижа ёмон бўлмади. Чунки эрта қилинган саъй-ҳаракат ўз самарасини берди.

— Айни пайтларда мавжуд умумий узунлиги 68200 погон метр газ тармоқлари тўлиқ назорат-тафтиш ва таъмирлашдан чиқарилиб, фойдаланишга топширилди, — дейди биз билан суҳбатда «Бектемиртумангаз» филиали бош муҳандиси Мирзоҳид Мирзаҳакимов. Шунингдек, газ дудбуронлари, газ тақсимлаш анжомларидаги мавжуд камчиликлар ҳам бартараф этилди. Шу билан бирга, ҳудудимиздаги Ихлос кўчасига газ тақсимлаш анжоми ўрнатилди. Зироат кўчасидаги 420 погон метрлик ўрта босимли ер ости газ қувури ер устига қайта ётқизиб чиқилди. Шу тариқа мазкур ҳудуд аҳолисини мавсум давомида бир маромда газ билан таъминлаш имконияти юзага келди.

Бир сўз билан айтганда, аҳолини қиш мавсуми давомида узлуксиз табиий газ билан таъминлаш борасида барча чора-тадбирлар ишга солиниб, узатиш тармоқлари тахт этиб қўйилди. Айни пайтда филиал мутахассислари биргина юқоридаги ишлар билан чекланиб қолмай, истеъмолчилар ўртасидаги мавжуд қарздорликларни йил якунига қадар тўлиқ бартараф этишга киришишган. Бу ишга филиал ходимлари билан биргаликда хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари раҳбарлари, маҳалла оқсоқоллари ҳам жалб этилган.

**(Ўз мухбиримиз)**

**СУРАТДА: «Бектемиртумангаз» ходимлари ишга отланмоқда.**

**Ислом дини асрлар давомида халқимизнинг тарихига, ўтмиш меросига, маданиятига, миллий руҳиятига сингиб кетган. Бу табаррук заминдан етишиб чиққан кўплаб алломаю фузалоларнинг динимиз ривожига қўшган ҳиссаси бугун ислом оламида юксак қадрланади. «Биз ўз миллатимизни мана шу диндан асло айри ҳолда тасаввур қила олмаймиз, — деб таъкидлаган эди Президентимиз Ислом Каримов. — Халқимизнинг минг йиллик тарихини, бугунги маънавий ҳаётини, дину диёнатимизни мухтасар ифодалаб айтиш мумкинки, Аллоҳ бизнинг қалбимизда, юрагимизда».**

# ИЛМИНИ ХОР ҚИЛГАН «ТАРИҚАТЧИЛАР»

Дарҳақиқат, Ўзбекистон раҳбарияти мустақилликнинг илк кунлариданоқ ўзининг динга муносабатини "Дунёвийлик — даҳрийлик эмас" тамойили ҳамда "Инсон эътиқодсиз яшай олмайди", деган қатъий ишонч асосида аниқ белгилаб олди. Натижада Истиқлол шарофати билан Ўзбекистонда турли динлар қатори, ислом дини вакилларининг ҳам ҳеч қандай тазйиқ ва тўсиқларсиз эътиқод қилишлари учун барча шароит ва имкониятлар яратилди.

Шунга қарамай, бугунги кунга келиб ўзининг номақбул хатти-ҳаракатлари билан муқаддас динимиз шаънига доғ тушираётган баъзи сохта "дин пешволари"нинг пайдо бўлаётгани ниҳоятда ажабланарли ва ачинарли ҳолдир. Уларнинг динимиз асл моҳиятидан узоқлашиб, ислом шариатига ҳам тажовуз қилишга уринаётгани барчамизни ташвишга солиши, табиий. Ҳатто сўнгги пайтларда бундай кимсалар томонидан инсонларни комиллик сари ундаб, Аллоҳни севиб, унинг ризосига ноил этувчи амалларни тарғиб этувчи тасаввуф таълимотлари нотўғри, ғаразли мақсадлар йўлида бузиб талқин қилинаётганини эшитиб ҳайратга тушасан киши. Ваҳоланки, тасаввуф — ислом шариати аҳкомларини тўла эътироф этган ҳолда, кишиларнинг ахлоқий фазилатларини такомиллаштириш йўл-йўриқларидан бири. Ундан кўзланган манфаат фақат ва фақат Аллоҳнинг ризосига эришмоқдир. Тасаввуфда бундан бўлак хоҳиш нафсга дахлдор саналади. Бу йўлдаги амалдан таъма кўзланмайди. Нафсоний ҳою ҳавасларни қондириш ва нопокликларга изн берилмайди. Шу боис, мустақиллик йилларида тасаввуф илмига муносабат тубдан ўзгарди — ўз тарихий-миллий измига тушди. Хусусан, Баҳоуддин Нақшбанд (1993), Абдухолиқ Ғиждувоний (2003), Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор Валий (2004) сингари азиз авлиёларнинг таваллуд тўйлари ўтказилиши, асарлари нашр этилиши, маънавий мероси қадрланиши, мақбаралари обод этилиши алоҳида аҳамиятга эга. Маълумки, тасаввуф илмининг пайдо бўлиши, равнақ топиши кўҳна Турон заминидан етишиб чиққан улуғ аллома ва авлиёлар номи билан чамбарчас боғлиқ. Жумладан, хожагон-нақшбандия, яссавия, кубравия тариқатлари айнан юртимиз ҳудудида пайдо бўлиб, мусулмон дунёсида кенг ёйилганини кўпчилик яхши билади.

Айниқса, улар орасида нақшбандия тариқати миллий маънавиятимиз ривожида ўзига хос аҳамият ва мавқега эга. Жумладан, бугун ўз асарлари ва фаолияти билан жаҳон тарихида муносиб из қолдирган Абдухолиқ Ғиждувоний, Баҳоуддин Нақшбанд, Амир Темур, Хожа Аҳрор, Ҳусайн Бойқаро, Алишер Навоий, Заҳириддин Бобур, Бобораҳим Машраб сингари улуғ аждодларимиз ҳам ушбу тариқат вакиллари эди.

Таассуфки, давлатимизнинг тасаввуф илмини ўрганиш, унинг эзгуликка йўғрилган таълимот ва ғояларини тадқиқ ва тарғиб қилишга нисбатан ижобий муносабатини суиистеъмол қилиб, ундан ёвуз мақсадлар йўлида фойдаланишни мақсад қилганлар ҳам йўқ эмас орамизда. Уларнинг муддаоси одамларни сохта ва уйдирма қарашлар атрофида жипслаштириб, алал-оқибат, жамиятда парокандаликни юзага келтиришдир.

Маълумки, тасаввуф инсонларни эзгуликка даъват этади. Жумладан, нақшбандия тариқатида "Қалб Аллоҳда, қўл ишда бўлсин" деган эзгу ақида илгари сурилади. Бунинг аҳамияти шундаки, инсон дунёга келибдими, Аллоҳ таоло томонидан берилган умрни ҳалол ризқ топиш, покиза ҳаёт кечириш, солиҳ фарзандларни камол топтириш, бир сўз билан айтганда, хайрли ишлар билан ўтказмоғи лозим. Бу жараёнда қалб Аллоҳ ёди, яъники эътиқод, қўл эса иш билан банд бўлади. Шу боис ҳам бу тариқат асрлар давомида ўз аҳамиятини йўқотмай келмоқда. Бироқ бугун ўзларини "пир", "эшон" атаб, мўмин-мусулмонларга "раҳбарлик, раҳнамолик қилиш" даъвоси билан чиқаётган баъзи кимсалар исломга дарз кетказувчи "сабоқ"лари билан тасаввуф таълимоти, жумладан, тариқат қоидаларини нотўғри талқин этиб, бундан ўз манфаатлари йўлида фойдаланаётганига асло бефарқ қараб бўлмайди.

Бир мисол: Самарқанд вилояти ҳудудида яшовчи бир инсон сохта "пир"га мурид тушади. Оқибатда у "тариқатчи"нинг уйдирмаларига кўр-кўрона ишониб, унинг хизматига киради. Ҳатто бу йўлда ҳали вояга етмаган уч нафар фарзанди ҳамда турмуш ўртоғини "Сизларни Аллоҳ боқади" дея қаровсиз ташлаб кетади. Ана холос! Ахир, ислом аҳкомлари, шариат қонун-қоидаларига кўра, эр кишининг фарзандлари, оиласини муҳтож қолдириб кетиши гуноҳи кабиралардан бири эмасми?! Қолаверса, эшонлик даъвоси билан чиқаётган кимсаларнинг даъвату йўриқлари наҳотки шундай тубанликка асосланган бўлса?! Ваҳоланки, илоҳий калималарда инсон зотининг фақатгина қалбидаги тақво боис азиз тутилиши зикр этилган:

"... Албатта, Аллоҳ наздида (энг азизу) мукаррамроғингиз тақводорроғингиздир. Албатта, Аллоҳ билгувчи ва хабардор зотдир" ("Ҳужурот" сураси, 13-оят).

Шундай экан, таркидунёчилик ёхуд пирга ўзини бахшида этиш билан инсон ўзини ибодат қилувчи санашга ҳақлимикан?! Шу ўринда яна бир ҳаётий мисолга мурожаат қилайлик: бир олий маълумотли муаллим тасаввуфга қизиқиб қолади. Бу қизиқиш эътиқодга айланиб, уни бир сохта пир сари етаклайди. "Пир" унга тасаввуфга кириш учун киши ҳалол меҳнат қилиб, ризқ-рўз топиши, шу тариқа бола-чақа боқишини тушунтиради. Ҳатто тарихда яшаб ўтган машҳур шайхларнинг қайси касб-корлар билан шуғулланганлигини бирма-бир айтиб ўтади. Йигит сохта "пир"нинг гапига кириб, муаллимликни ташлайди, ямоқчилик касбини ўрганиб, шу билан тирикчилик қилишга одатланади. Ҳолбуки, эл-юрт фарзандларига таълим-тарбия бериб, тўғри йўл билан рўзғор тебратишни ноҳалолликка йўйиб бўладими?! Ахир бир соатлик илм қирқ йиллик ибодатдан афзаллиги ҳақидаги ҳикматлар бежиз айтилмаган-ку! Албатта, бу ўринда сохта "пир"нинг муддаоси аниқ: у муридини қай йўл билан бўлса-да ўз измига солиш, тўғри йўлдан адаштириш тарафдори. Ваҳоланки, ўтмишда касб-корнинг турлари оз, улар ҳам асосан қўл меҳнатига асосланган эди. Шундай экан, ҳалол меҳнат тушунчаси фақат ушбу ибтидоий касблар билангина шуғулланишни англатмайди-ку.

Келинг, масаланинг иккинчи бир томонини олиб кўрайлик: ҳалоллик даъвоси билан муаллимни тайёр касбидан совутиб, уни қўл меҳнати билан кун кўришга даъват этаётган сохта пирнинг ўзи ҳалолми? У кимнинг ҳисобидан яшаб, қайси меҳнатлари эвазига қорин тўқлаяпти? Ёхуд қандай йўл билан рўзғор тебратаяпти? Боз устига унинг ўзи комилми? Поку ҳалоллик, тўғрилик борасида инсонларга намуна бўла оладими? Тасаввуф — покиза илм. У инсонларни ҳидоят йўлига бошлаши лозим. Бундан беш аср муқаддам яшаб ўтган буюк маърифатпарвар бобокалонларимиздан бири Алишер Навоий ҳам асл тасаввуфни сохта тасаввуфдан ҳимоя қилган эди. Чунки шоир содда, оми одамларнинг алданиб, ўзини шайх кўрсатиб юрган сохтакор, ҳийлагар, таъмагир кимсалар этагига юриб кетиши жамият учун катта муаммолар туғдиришини жуда яхши билган. Ваҳоланки, ғоявий-мафкуравий курашлар тобора авж олиб бораётган бугунги таҳликали замонда ҳам шоирнинг огоҳликка даъвати асло ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. Шу боис айни дамда тасаввуфнинг асл моҳиятини очиб бериш орқали уни ёт таъсирлардан ҳимоялаш эҳтиёжи заруратга, давр талабига айланиб бораяпти. Акс ҳолда, инсонларни комилликка бошловчи тасаввуфнинг эзгуликка йўғрилган ғоялари баъзи нопок кимсалар томонидан ёвузлик қуролига айланиб қолиши ҳеч гап эмас.

**Султонмурод ОЛИМ,**
**адабиётшунос**

Фан

# ЛАНДШАФТ АРХИТЕКТУРАСИ

**Кейинги йилларда бунёд этилаётган кўркам бинолар атрофидаги яшил майдонларнинг ландшафт дизайни кўринишда бўлишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада Ташкент Архитектура-қурилиш институти олимлари қатор лойиҳалар устида изланишлар олиб бормоқдалар.**

Олий ўқув юртининг «Атроф-муҳит архитектура дизайни» кафедрасида «Шаҳар хиёбони» ижодий шаҳарсозлик экологияси, унинг табиати ва кўкаламзорлаштириш қиёфасини яратиш» деган мавзуда олиб борилган тадқиқот айниқса диққатга сазовордир. Янги йўналишда қўл урилган мазкур лойиҳада шаҳар экологияси архитектурасининг келажак кўриниши ўз аксини топди. Шунингдек, «Болани соғломлаштириш мажмуаси» лойиҳаси ҳам тайёрланди.

# ИСТИҚБОЛЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР

**Тошкент Давлат техника университети олимларининг шарбатлар саноати учун узум унини тайёрлашга оид тадқиқотлари ўз ижобий натижасини берди.**

Айни вақтда Ўзбекистон табиий толалар илмий-тадқиқот институти билан ҳамкорликдаги изланишлар шу соҳани ривожлантириш имконини берди.

Креп матоларининг янги турларини ишлаб чиқиш жараёнида ўзига хос технологиялардан фойдаланишга эришилди.

Эндиликда ана шу технологиялар тўқимачилик корхоналарида қизиқиш уйғотмоқда. Жумладан, «Силк ВАЦ» корхонасида ҳам бу жараён амалга оширилди. Креп матолари сифатини яхшилаш бўйича ҳам техник тадбирлар кўрилмоқда.

# СУВ МУАММОЛАРИ ТАДҚИҚИ

**Ўзбекистон Фанлар академияси сув муаммолари институтида бир неча лойиҳалар устида иш олиб борилмоқда.**

Сув ресурсларини интеграл бошқариш жараёнида оқава сувлардан фойдаланиш билан боғлиқ мавзуларга ҳам қўл урилди.

Йирик балиқчилик ҳавзаларининг экологик аҳволини баҳолаш ва биологик маҳсулдорликни ошириш дастурида ишлайдиган компьютер тизимларини яратишга ҳам киришилди.

Бу эса балиқчилик саноатини ривожлантиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Алоқа

# ЭЛЕКТРОН ПУЛ ЎТКАЗИШ ЖАДАЛЛАШДИ

**«Ўзбекистон почтаси» очиқ акциядорлик жамияти томонидан маҳаллий «электрон пул ўтказмалари» тизими жорий этилганига беш йилча бўлиб қолди. Ушбу тизим дастлаб Тошкент шаҳри ва вилояти марказларида йўлга қўйилган эди.**

Бутунжаҳон почта иттифоқининг халқаро электрон пул ўтказмалари тизимига уланиш мақсадида жамиятда автоматлаштирилган иш ўринлари яратилди. Бу эса ушбу тизимдан жамиятнинг барча туман ва шаҳар почта алоқаси тармоқларида кенг кўламли хизматни ташкил этиш учун замин яратди. Ҳозирда минтақадаги қатор давлатлар почта маъмуриятлари билан бу борада келишувга эришилди.

# КЕНГ ФАОЛИЯТ

**«Тошкент шаҳар телефон тармоғи» филиали фаолияти кенг йўлга қўйилмоқда.**

Бугунги кунда унинг автомат телефон станцияларидан фойдаланаётган мижозлар сони 583 минг нафардан ошганлиги ҳам буни кўрсатиб турибди. Телефон алоқаси тизимининг бутунлай рақамли тармоққа ўтказилганлиги ҳам филиалнинг жиддий ютуғи бўлди.

Видеотелефон алоқасидан эса кўпчилик фойдаланмоқда. Интернет хизмати кўрсатиш кўлами янада кенгайиши ўз самарасини бераётганлигини ҳам айтиб ўтиш жоиздир. Бу ва шу каби намунали фаолияти учун «Тошкент шаҳар телефон тармоғи» филиали яқинда халқаро сифат сертификати — ИСО 900:2008 белгиси билан тақдирланди.

**Акбар АЛИЕВ**



**Мамлакатимизда мана бир неча йилдан буён Президентимиз ташаббуси билан таъсис этилган Зулфия номидаги Давлат мукофотига муносиб совриндорлар аниқланмоқда. Ҳар йили мазкур мукофотга номзодларни саралаш учун «Зулфияхоним қизлари» кўрик-танлови ўтказиб келинмоқда. Бу йил ҳам ушбу танловга тайёргарлик қизғин кечди. Яқинда шаҳримизнинг барча туманларида «Зулфияхоним қизлари» кўрик-танловининг туман босқичлари муваффақиятли ўтказилди.**



Танловлар

# НОМЗОДЛАР САРАЛАНМОҚДА

Маълумки, мазкур мукофот юртимизда аёлни муқаддас билиш, унга алоҳида эҳтиром кўрсатиш, озод ва обод юртимиз келажаги бўлган ҳар томонлама етук ёшларни тарбиялашдаги беқиёс ўрнини яна бир бор эътироф этиш, баркамол, оқила хотин-қизлар авлодини вояга етказиш, улар орасидаги иқтидорли ёшларнинг адабиёт, санъат, маданият, фан ва таълимни ривожлантиришдаги ютуқлари, тенгдошларининг миллий истиқлол ғоялари ва маданий-маънавий қадриятларга эътиқодининг юксалиши йўлидаги ибратли фаолияти, кенг кўламли ислоҳотларни жадаллаштиришдаги фаол иштирокини рағбатлантириш мақсадида таъсис этилгандир.

Яқинда Қурилиш ва миллий ҳунармандчилик касб-ҳунар коллежида «Зулфияхоним қизлари» кўрик-танловининг Собир Раҳимов туман босқичи ҳам ниҳоятда таассуротларга бой тарзда қизиқарли ўтди. Унда тумандаги олий ўқув юртлари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ҳамда мактабларда ўтказилган танловнинг биринчи босқичида ғолиб деб топилган 28 нафар доно ва оқила қизлар иштирок этиб, ўз иқтидорларини синовдан ўтказдилар. Яъни, фан,таълим, маданият, адабиёт ва санъат йўналишларида ўзларининг қизиққан соҳаларида эришган ютуқлари, ёзган ажойиб шеър, ҳикоялари, мақолалари ҳамда миллий, бадиий безак ва каштачилик бўйича ишлари, шунингдек, ажойиб рақслари билан қатнашиб, ўз иқтидорларини намоён этдилар.

— Бу йилги танловда иштирок этаётган қизларимизнинг нафақат ўз соҳалари, балки бошқа кўплаб соҳаларга қизиқишларини, билим ва маҳоратларини кўриб хурсанд бўлдик, — дейди Собир Раҳимов туман хотин-қизлар қўмитаси раиси Муқаддам Расулова. — Шуниси қувонарлики, Зулфия номидаги Давлат мукофотига номзодларни саралаш жараёнида кўплаб ёш иқтидорларни аниқлаймиз. Қизларимиз орасида ниҳоятда оқила, зукко ва билимлилари кўп. Танловни ўтказишдан мақсад ҳам ёш истеъдодларни аниқлаш, уларни қўллаб-қувватлаб, истеъдодларини юзага чиқаришда кўмак беришдан иборатдир.

Қизиқарли ўтган танлов якунида ғолиблар ҳамда иштирокчилар ҳомийлар томонидан Фахрий ёрлиқ ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

**Дилором ИКРОМОВА**

**СУРАТЛАРДА: «Зулфияхоним қизлари» кўрик-танловининг Собир Раҳимов туман босқичидан лавҳалар.**

# Оз-оз ўрганиб доно бўлур

## МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

### ҚОНУНИ БОСИТИЙ

### Ҳазм қилишда енгил ҳаракатнинг фойда ва зарари

Овқатни ҳазм қилишда ташвиш ва халал берадиган ўта зарарли нарса енгил ҳаракатдир. Чунки у таомнинг ҳазм бўлмасдан аввал ичакка ўтиб кетишига сабаб бўлади. Аммо баъзи вақтда енгил ҳаракатнинг фойдаси ҳам бўлади. Чунончи, таом ҳазм ҳосил қилгандан сўнг меъдадан ичакка ўтишига ҳаракат фойда қилади, кейинги таомга меъдани бўшатади ва овқатга толиб қилади.

Овқат егандан сўнг дарҳол ухлашни одат қилган кишига егандан сўнг озгина енгил ҳаракат фойда қилади. Зероки таомнинг меъда оғзидан меъда чуқурига ўтиб, жой олишига ва меъданинг ҳароратининг кўпайишига енгил (290) ҳаракат мададкор бўлади. Шунинг учун кечаси овқат ейиш тўғри келса, егандан сўнг бироз пиёда юриш зарур. Зероки таом то меъда чуқурига етиб, жойлашмаса ухлаш яхши бўлмайди.

Лекин табиблар баён қилган бу сўзлар доим соғлиқни сақлаш учун машғул бўлган кишиларга нисбатан ҳақ ва муқаррардир. Йўқса, оддий одамларнинг аксарияти табиблар наздида ёмон ҳисобланган ҳаракатларда касблари сабабли машғулдирлар. Овқат егандан сўнг тўхтовсиз яна шу касбу меҳнатларига машғул бўлишни одат қилганлар ва ҳеч қандай зарар ҳам кўрмайдилар. Бу одатга табиат ҳам, қувват ҳам одат пайдо қилган. Лекин, шу билан бирга, бу ҳаракатга одат қилмаслик лозимки, мабодо куни келиб бирорта зарар юз бермагай. Чунки ёшнинг эътибори билан, фасл, қувват ва заифлик эътибори билан аҳвол ўзгаради. Бинобарин, бу одатнинг ҳукми доим бир маромда боқий турмайди ва ўзгаради. Бу одатга мағрурланмаслик керак. Шунинг учун тадқиқотга табиблар айтганларки, ҳар хил зарарли нарсага одат қилган бўлса бу одамга вожибдирки, оҳиста бу одатдан сақлансин, токи кейинчалик юз берадиган зарардан омон бўлгай ва нуқсон етмагай.

(Давоми бор)

**Маҳмуд ҲАСАНИЙ тайёрлаган**

## Ёнғин хавфсизлиги ойлиги

### ЁНҒИН ҚОНУН-ҚОИДАСИ — УМР ФОЙДАСИ

**Кундалик ҳаётимиз воқеа-ҳодисаларга бой. Улар орасида шундай бахтсизликлар ҳам борки, унинг сабаблари кишини ҳам ўйлантиради, ҳам ташвишга солади.**

Бу қоидабузарликлар оқибатида келиб чиққан ёнғинлардир. Ундан кўплаб кишилар жабр кўришади, ўнглаб бўлмас бахтсизликлар келиб чиқади.

Ёнғин ўз-ўзидан содир бўладиган ҳодиса эмас. У катта ёшдагиларнинг бепарволиги ёки қоидага амал қилмаслиги, айниқса болаларнинг шўхлик билан олов ўйнашлари оқибатида юз берадиган жараён. Бу жараёнларнинг олдини олиш эса инсоннинг ўз қўлида. Афсуски, бунга бефарқ қараб, ҳатто болаларини назоратсиз қолдирувчи ота-оналар ҳам йўқ эмас. Болалар билан боғлиқ бундай ёнғин ҳодисалари кўплаб учрайди. Аммо мақсад ота-оналарни ҳушёрликка чақиришдан иборат бўлгани сабаб фақат бир фикрни айтмоқчимиз. Ёнғиндан кўриладиган зарарнинг миқдори оддий моддий бўлса ўрни тўлиб кетар, аммо бировнинг ҳаётига зомин бўлса-чи? Унинг ўрнини нима билан тўлдириш мумкин? Инсон ҳаётга бир марта келади, шу боис уни ёнғиндан асрашнинг ягона чораси ёнғин хавфсизлиги қоидаларига қатъий амал қилиш ва болаларнинг олов ўйнаб шўхлик қилишларига йўл қўймасликдир.

**Тоир ФАЙЗУЛЛАЕВ,**
**12-ХЁХО, 24-ХЁҲҚ катта сержант**

### ЎТ ЧИҚИШИ САБАБЧИСИ АВВАЛО ЭҲТИЁТСИЗЛИКДИР

**Дунёда бирор сабабсиз ҳеч нарса содир бўлмайди.**

**Шу жумладан ёнғинлар ҳам. Агар биз кундалик турмушимизда содир бўлаётган ёнғинларни таҳлил қилиб чиқадиган бўлсак, аксарият ҳолларда бундай офатлар ўзимизнинг бепарволигимиз, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя этмаслигимиз ёки ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари берган кўрсатмаларни назарписанд қилмаслигимиз оқибатида юзага келаётганлигининг гувоҳи бўламиз.**

Ёнғинни «тилсиз ёв» деб беҳуда таърифлашмаган, чунки у йилнинг ҳар қандай фаслида фавқулодда одам ҳаётига, мол-мулкига тажовуз қиладиган офатлар ичида энг каттасидир. Лоқайдлик, эътиборсизлик оқибатида рўй берган кўплаб кўнгилсиз воқеаларнинг гувоҳи бўлишимизга тўғри келяпти. 2009 йилнинг ўтган 10 ойи мобайнида Ҳамза туманида 145 та ёнғин содир бўлиб, энг ачинарлиси, ушбу ёнғинларда 6 нафар фуқаро турли куйиш тан жароҳатлари олган, 5 киши ёнғинларда ҳалок бўлган.

Ёнғинларнинг асосий қисми аҳоли турар жойларида содир бўлганлиги ўзини-ўзи бошқариш органлари, маҳалла фаоллари, фуқароларга янада масъулият юклайди.

Ёнғинлар таҳлили эса унга дахлдор идоралар — газ таъминоти, электр тармоқлари, ёнғинга қарши курашиш жамияти ходимларининг ҳамкорликдаги фаолият тизимига эҳтиёжни келтириб чиқаради. Уларнинг самарали ҳамкорлиги ёнғинларнинг олдини олишда муҳим ўрин тутади.

Аҳоли турар жойларида ўтказилаётган текширувларда асосий эътибор тарғибот –ташвиқот ишларига қаратилмоқда. Туман ЁХБ ходимлари, туман ИИБ профилактика инспектори, туман газ таъминоти ва электр тармоқлари ходимлари иштирокида маҳаллаларда аҳоли билан учрашувлар ўтказилмоқда.

Шу ўринда 2009 йил октябрь ойи охирларида содир бўлган ёнғинларни мисол тариқасида келтириб ўтишни лозим деб топдик. Масалан, 2009 йил 18 октябрь куни кечаси соат 21 дан 57 дақиқа ўтганда Тошкент шаҳар ИИББ ЁХБнинг диспетчерлик хизматидан Табибий кўчаси, 20-уйда ёнғин бўлаётганлиги ҳақида хабар олиб, отландик ва кўча бўйлаб юриб, шу пайтда «Катта Қўйлиқ» маҳалласидаги уйлар томонидан қора тутун алангаларини кўрдик ва тезда етиб бордик. Шу заҳоти ёнғинни ўчиришга киришдик. Маълум бўлишича, қўлбола электр мосламаларидан фойдаланиш оқибатида уйнинг электр симлари бардош бермасдан ҳимоя қобиғи қизиб ёниши натижасида ушбу ёнғин содир бўлган.

Бундай мисолларни кўплаб келтириб ўтишимиз мумкин. Бундан кўра биз кўп қаватли турар жой биноларида, жамоат ва маъмурий биноларда ёнғин хавфсизлигини таъминлаш бўйича тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш ва уйларнинг олдига борувчи йўлларни тўсиб қўйиш, ўраб олиш ҳолатларига алоҳида эътибор қаратишимиз лозим. Сабаби, ёнғин ёки бошқа фавқулодда ҳодиса содир бўлганда ёнғин ўчириш автоуловлари белгиланган жойга етиб боришлари ва офатни тез бартараф этишида қийинчиликлар туғдирмоқда.

Ҳамза тумани ИИБ Ёнғин хавфсизлиги бўлими яна бир бор эслатиб ўтади, ёнғинни ўчиришдан кўра, унинг олдини олиш осондир.

**Зафаржон ХАТАМОВ,**
**Ҳамза тумани Ёнғин хавфсизлиги бўлими инспектори, капитан**


## ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР / ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

**Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси томонидан Тошкент шаҳридаги ўрни бўш хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслик лавозимига**
**ТАНЛОВ ЎТКАЗИЛАДИ**

Танловда иштирок этиш истагини билдирган шахс бир ой муддат ичида қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиши зарур:

а) комиссия номига ариза;
б) паспорт нусхаси;
в) шахсий варақа (сўровнома);
г) меҳнат дафтарчасининг нотариал тасдиқланган нусхаси;
д) нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг нотариал тасдиқланган нусхаси;
е) қайта малака имтиҳонини топширганлиги ҳақида малака комиссиясининг қароридан кўчирма;
ж)нотариат ишига бевосита раҳбарлик қилиш билан боғлиқ вазифаларда ишлаб келаётган талабгорларга унинг ишлаб келаётган лавозими ва ўз лавозимига мувофиқ унга юклатилган вазифалар аниқ кўрсатилган маълумотнома;
з) охирги иш жойидан берилган меҳнат фаолияти тўғрисидаги тавсифнома.

*Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси қошидаги нотариат бўйича Малака комиссиясининг 2009 йил 29 октябрдаги қарорига асосан Миробод туман 2-сон давлат нотариал идораси нотариуси Эльза Валентиновна Намнинг нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиясининг амал қилиши тўхтатилди.*

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги «Ўзбек Давлат цирки» республика бирлашмаси

2009 ЙИЛ 4 НОЯБРДАН  10 НОЯБРГАЧА



Тошкент Давлат цирки

**БОЛАЛАР, СИЗЛАР УЧУН!**

Кузги таътил кунларида

**«ҚУВНОҚ МОЗАИКА» ТОМОШАЛАРИ**



**Томошалар: 2009 йил 4 ноябрдан 10 ноябрга қадар соат 12.00 ва 15.00 да бошланади.**

**Чипталар цирк кассалари ва туман кассирлари томонидан сотилади. Ҳақ турли шаклда тўланиши мумкин.**

**Касса эрталабки соат 9.00 дан ишлайди.**

*Маълумотлар учун телефонлар:*
**244-35-91, 244-35-94, 244-32-23.**

**«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Аукцион савдосига «O'zbekiston Savdo-Sanoat Palatasi» Ижроия қўмитасининг 05.10.2009 йилдаги 35-сонли баённомасига асосан, палата балансидаги Тошкент шаҳар Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 6-уй манзилида сақланаётган, "Опель Омега" русумли, д/р 10AZ717 бўлган, 2003 йилда и/ч автотранспорт воситаси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 32 896 000 сўм.

**Аукцион савдоси 2009 йил 10 декабрь куни соат 11:00да бўлиб ўтади.**

Талабгорлар диққатига! Юқоридаги автотранспорт воситаси 2009 йил 10 декабрдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, автотранспорт воситанинг такрорий аукцион савдолари 2009 йилнинг 14 ва 17 декабрь кунлари соат 11:00да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси ўтказилишидан бир соат олдин тўхтатилади.

Мазкур савдоларда қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан объект бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини РКМБнинг ОАИКБ «Ипак йўли банки» Сағбон ф-даги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: ҳ/р: 20210000300571452114. МФО: 01036, ИНН: 200933850. Манзил: Тошкент ш., С.Раҳимов т., М.Ўразбоев кўчаси, 1-А-уй. Тел: 228-79-52.

**«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Аукцион савдосига Учтепа тумани СИБ томонидан, 01.07.2009 йилдаги 10-0815/5396-сонли ижро ҳужжатига асосан, Тошкент ш, Юнусобод т, Т.Малик кўчаси, 4-А-уйда жойлашган,умумий майдони 236,0 кв.м. бўлган, 1 қаватли магазин биноси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 46 193 800 сўм. **Аукцион савдоси 2009 йил 15 декабрь куни соат 11:00да бўлиб ўтади.**

Талабгорлар диққатига! Юқоридаги кўчмас мулк 2009 йил 15 декабрдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, мазкур кўчмас мулкни сотиш юзасидан такрорий аукцион савдоси 2010 йилнинг 5 январь куни бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Аукцион савдоси юзасидан барча маълумотларни 228-79-52 телефон рақами ёки биржанинг www.rkmb.uz расмий вебсайти орқали олишингиз мумкин.

**Шунингдек 2009 йил 1 декабрь куни соат 11:00да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига Ҳамза тумани СИБ томонидан такроран,** (20.02.2009й, №2-164-08 ижро ҳужжатига асосан) Ҳамза тумани, Мўйноқ кўчаси 241-уйда сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 1."Мерседес Бенц Е-280" русумли, д/р 14АЕ485 бўлган, 2007 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 67 534 503 сўм. 2. "Нексия" русумли, д/р 14U6008 бўлган, 2006 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 10 709 342 сўм.

Мазкур мол-мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

Мазкур савдоларда қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБнинг ОАИКБ «Ипак йўли банки» Сағбон ф-даги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: ҳ/р: 20210000300571452114.МФО: 01036, ИНН: 200933850, Манзил: Тошкент ш., С.Раҳимов т., М.Ўразбоев кўчаси, 1-А-уй. Тел: 228-7952. www.rkmb.uz

**Ҳурматли тадбиркорлар!**

*Тошкент шаҳар ҳудудида фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, ноқонуний текширишларнинг олдини олиш мақсадида «Ишонч телефон»лари ташкил қилинган:*

269-14-45, 262-92-42

**Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси**


Газетанинг навбатдаги сони 12 ноябрда чиқади.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси жамоаси автогараж ҳайдовчиси **Зоиржон Худойбердиевич КАРАБАЕВнинг** вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.




МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (371) 232-11-39.
*Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.*
Нашр кўрсаткичи — 563
ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилди. 2807 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

1 345

Буюртма Г- 1006

Топширилган вақти: 14.40